

«ТАСДИКЛАЙМАН»

«Ок-сув» ирригация тизими
бошкармаси бошлиги

У. ХУРРАМОВ

« 7 » *апрел* 2021 йил

**“Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Қашқадарё дарёсидан
сув олувчи “Қорахўжа-2” канали бош қисми иншоотини қуриш”
(2-босқич) объектига
НУКСОНЛИ ДАЛОЛАТНОМА**

Бизлар ким қуйида далолатнома тузиб имзо чекувчилар: «Ок-сув» ирригация тизими бошкармаси ТИТЭ ва М булими бош мутахассиси Ж. Холматов, мутахассис Д. Тураев, Бош гидрометр М. Аликулов, Қорахўжа-2 канали бошлиги С. Эгамбердиев ва техник муҳандис С. Юсуповлар Шаҳрисабз туманидаги Қашқадарё дарёсидан сув олувчи “Қорахўжа-2” канали бош қисми дамбаси ва каналдаги гидротехник иншоотларни жойида кўриб чикиб ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

Шаҳрисабз туманидаги “Қорахўжа-2” канали 1980 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, умумий узунлиги 2,5 км, ер узанли каналнинг сув ўтказиш қобилияти $-10,0 \text{ м}^3/\text{сек}$, сув олиш манбаи “Қашқадарё” дарёси. “Қорахўжа-2” канали орқали “Сандал” каналига сув ташланиб, Шаҳрисабз $-149,0$ га, Яккабоғ $-8280,0$ га, Чироқчи $-1631,0$ га ва Қамаш туманларининг $-2889,0$ га, жами бўлиб 955 га фермер хўжалиқларидаги $12949,0$ гектар ер майдонларининг сув билан таъминлаш учун хизмат қилади.

1. “Қорахўжа-2” каналининг ПК0+00 даги Қашқадарё дарёсидан сув олиш учун қурилган гидротехник иншооти сел-тошқин сувлари келиши натижасида гидротехник иншоот ярқисиз ҳолда келиб, $2,0 \times 2,0$ улчамли 2 дона дарвоза (затвор) ағдарилиб кетган.

2. Қашқадарё дарёсига сел сувлари кўп миқдорда келиши оқибатида дарё ўзани 2-3 метргача чуқурлашиб, мавжуд дарёдаги иншоот (парог) ни сел ювиб кетган, натижада иншоот ярқисиз ҳолда келиб қолган ва дарёдан каналга сув олиш имконияти йўқолган.

3. Канални ПК11+50 даги мавжуд 2 дона сув ташлама иншоотларини чиқиш қисмларини бетон копламасини ва тупрок дамбасини сел сувлари ювиб кетиши натижасида иншоот ишсиз (авария) ҳолатда келиб қолган.

4. Куз ва баҳор ойларида дарё ва каналга сел сувлари келиб, ювиб кетиши натижасида дарё ва каналнинг ўзани емирилиб, сув сатҳи тушиб кетган. Шу сабабли каналнинг ПК11+60 да мавжуд (дюкер) иншооти канал сув сатҳидан 1 метргача баландликда қолиб кетган, натижада иншоот (дюкер) дан керакли миқдорда сув ўтказиш қобилияти йўқолиб, ортиқча сув сарф этилмоқда.




5. Қорахужа-2 канални 0+00 дан ПК 10+00 гача булган кисми дамбасини Қашқадарё дарёси билан паралел утган, канални оким буйича унғ томон кисми дамбасини дарёдан келган сел-тошкин сувлари ювиб кетиб, канални дамбаси авария холатга келиб колмоқда.

6. Қорахужа-2 канални ПК 12+30, 16+10, 18+50 лардаги 3 дона куприкларни тиргак бетон устунлари чукиб, канални юзасини (сечиниясини) кичрайтириб, каналдан лойихадаги сувни утказиш имконияти йўқолган.

7. Каналнинг умумий узунлиги 2,5 км бўлиб, шундан айрим қисмлари таъмир талаб аҳволда келиб қолган, натижада “Қорахўжа-2” канали орқали сув билан таъминланадиган Шахрисабз – 149 га, Яккабоғ – 8280 га, Чироқчи – 1631 га ва Қамаши туманларининг – 2889 га, жами бўлиб 12 949 гектар ер майдонларини сув билан таъминлаш имконияти йўқолиб, фойдали иш коэффициентни камайиб кетган.

“Қорахўжа-2” канални техник холатини тиклаш учун, канални ПК 0+00 да Қашқадарё дарёси узанига қайтадан тусувчи иншоот (парог) ни куриш, ПК 11+50 даги мавжуд 2 дона сув ташлама иншоотларини чикиш қисмларини тиклаб бетон ишлари, ПК11+60 да мавжуд (дюкер) иншоотини демонтаж қилиб, 1 метр сатхда тушириб қайтадан куриш, канални 0+00 дан ПК 10+00 гача булган кисми дамбасини химоялаш ва дарё узанини уртадан икки томонга ёриш, ПК 12+30, 16+10, 18+50 лардаги 3 дона куприкларни демонтаж қилиб қайтадан куриш ишларини бажариш талаб этилади.

Юқоридагиларни туғри деб тасдиқлаб имзо чекувчилар:

ТИТЭ ва М булими бош мутахасиси		Ж. Холматов
Мутахассис		Д. Тураев
Бош гидрометр		М. Аликулов
Қорахужа-2 канали бошлиғи		С. Эгамбердиев
Техник мухандис		С. Юсупов